O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

# ИНСОН ва ҚОНУН

2002 йил 10 СЕНТЯБР сешанба
№ 36 (292)
Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

Ogohlikka da`vat

## ТЕРРОРИЗМ — БУ ЁВУЗЛИК

### УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҲАР БИР ФУҚАРОНИНГ МУҚАДДАС БУРЧИДИР

Бундан роппа-роса бир йил муқаддам, яъни 2001 йилнинг 11 сентябрида дунё аҳли яна бир қонли террорнинг гувоҳи бўлди. Дунёнинг энг тинч ва осойишта, шу билан бирга қудратли давлати саналмиш Америка Қўшма Штатларида содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракати оқибатида яна тинч аҳоли қурбон берилди, бинолар вайрон этилди, одамлар кўнглида ҳеч ўчмас жароҳат қолди.

Албатта, бугунги кунда XXI аср вабоси деб ном олган терроризм балоси — зўравонлик билан тинч аҳолининг ҳаётига тажовуз қилиш бу дунёда кеча пайдо бўлиб қолгани йўқ. Аксинча, бу ёвузликнинг илдизи анча чуқур. Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, бундан қарийб ўн йил муқаддам ўз халқининг миллий манфаатларини дунё халқлари билан уйғунликда кўрган ва инсоният бошига тўпланаётган қора булутлар хавфини пайқаган Президентимиз Ислом Каримов дунё давлатлари раҳбарларини огоҳлантирган, фақат огоҳ этиб қолмай, бу офатнинг асл манбаини айтган ва унга қарши якдиллик билан курашга даъват этган эди. Жумладан, 1993 йилнинг 28 сентябр куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 48-сессиядаги маърузасида Президентимиз **Ўзбекистон экстремизни, террорчиликни, ҳар қандай кўринишдаги диний фанатизм ва ақидапарастликни қатъиян қоралайди,** дея таъкидлар экан, дунё жамоатчилиги диққат-эътиборини жаҳоннинг турли ҳудудларида юз бераётган турли қирғинларнинг асл моҳиятига қаратган ва уларнинг сабабларини чуқурроқ мулоҳаза қилишга даъват этганди: **«Можаро содир бўлаётган жойларда ғоят кўп миқдорда замонавий қурол-яроғ ҳеч бир назоратсиз тўпланаётганлиги ҳам бизни ташвишга солмоқда. Бу қурол-яроғлар қаёқдан келаяпти ва улар экстремистлар билан террорчиларнинг қўлига қандай тушиб қолаяпти? Биродаркушлик урушлари бўлаётган жойларга қуролларнинг бундай оқимини тўхтатиш учун жаҳон ҳамжамияти нима қилаяпти ва нималар қилиши лозим? Халқларнинг манфаатларига, миллатларнинг тақдирига ва миллионлаб кишиларнинг ҳаётига дахлдор бўлган бу саволлар ўз жавобини кутаяпти».**

Давлатимиз раҳбари томонидан бу фикрлар илгари сурилган пайтда мамлакатимиз ҳали халқаро терроризм таҳдиди билан юзма-юз келмаган, 1999 йилги 16 феврал воқеалари, Қирғизистоннинг Боткен туманида, Узун ва Сариосиё туманларида бир гуруҳ экстремистларнинг талвасали хуружи рўй бермаганди.

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Президентимиз ўша пайтдаёқ узоқни кўра олгани, мамлакатимизнинг миллий манфаати, ўзбек халқининг тинчлиги ва осойишталиги хусусида эмас, балки бутун дунёнинг тақдири ҳақида қайғургани аён бўлади.

Ёдингизда бўлса, 1999 йилнинг 18-19 ноябр кунлари Туркиянинг Истанбул шаҳрида Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур анжуманда биринчи бўлиб Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга сўз берилди. Президентимиз ўз маърузасида уч фикрни, учта долзарб таклифни муҳокама учун ўртага қўйди. **Биринчидан,** халқаро террорчилик наркобизнес ҳисобига тобора моддийлашмоқда. Бундай моддийлашув жараёни ниҳоятда хавфли, унинг олдини олиш керак. **Иккинчидан,** халқаро террорчилик инсонни ҳам жисмонан, ҳам маънан маҳв этади. Бу эса инсониятни наслан бузилишига олиб келиши мумкин. **Учинчидан,** халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш масаласини ҳал этиш зарурдир. Марказнинг асосий вазифаси терроризм кўринишлари билангина эмас, энг аввало, халқаро терроризмни маблағ ва қурол-яроғ жўнаётган манбаларга қарши кураш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши бўйича фаолиятларини мувофиқлаштиришдан иборат бўлиши лозим.

Таъкидлаш жоизки, Америка Қўшма Штатларида содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатидан сўнг халқимизнинг бу борадаги хоҳиш-иродаси, қатъияти ва танлаган йўли янада яққолроқ намоён бўлди. Жумладан, Президентимизнинг 2001 йил 5 октябрдаги Баёнотида шундай сўзларни ўқиймиз: **«Мен фақатгина бугун эмас, олдиндан ҳам — давлат раҳбари бўлганимдан бери ҳамюртларимизга қарата, эй, ватандошларим, огоҳ бўлинглар, терроризм хатари, бу қора куч бошимизда бало-қазо бўлиб, ўзининг манфур ниятларига етиш учун қурол ва куч тўплаб, ханжарини ишга солишга ҳар лаҳзада шай турибди, деб даъват этиб келганимни, бу даҳшатли куч остонамиз олдида турганини бугун ҳам такрор-такрор айтишни ўз бурчим деб биламан».**

Шуни айтиш кераккки, бугун бутун дунё Ўзбекистонга ишончли ҳамкор, содиқ дўст сифатида қарамоқда. Дунёнинг АҚШ, Япония сингари қудратли давлатлари билан стратегик ҳамкорликнинг юзага келиши, энг ишончли ҳамкор деб эътироф этилиши ҳам ана шу беқиёс ҳурматдан далолатдир. Бу ишонч ва тенг ҳамкорлик замирида эса Ўзбекистоннинг нафақат терроризм балосига қарши курашдаги қатъияти, балки истиқлолнинг дастлабки кунларидан танлаган йўлидан собитқадамлик билан одимлаб келаётгани, мустаҳкам иродаси ва бир сўзлиги мужассам.

Албатта, АҚШда рўй берган 11 сентябр воқеалари, терроризмнинг бегуноҳ қурбонлари қисмати бизни ҳамиша огоҳликка ундайди. Халқаро терроризмга кураш бу — ёвузликка қарши кураш, демакдир.

Ўз уйимизни ўзимиз асраб, ўз ишимизни виждонан бажаришимиз, теварак-атрофимиздаги воқеаларга ёниқ муносабатимиз, қадр-қимматимизни англаб яшашимиз, ҳеч шубҳасиз, ногоҳоний офатларни даф этишга хизмат қилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, **қалбимизда ғуруримиз, билагимизда кучимиз бор экан, биз тинчликни ҳимоя қилишга, унга хавф солаётган кучларга қарши курашишга, қаддимизни тик тутиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга қодирмиз.**

**ТАҲРИРИЯТ**



*«Қатағон қурбонлари хотираси» музейи*




*Япония Молия вазирининг катта ўринбосари Такайоши Танигуги раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизда меҳмон бўлди.*

* * *

*Президент Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 9 сентябр куни расмий ташриф билан Қозоғистонда меҳмон бўлди.*

* * *

*Олий Мажлисда "Сув хўжалиги тизимида ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш муаммолари" мавзуидаги семинар-кенгаш бўлиб ўтди.*

* * *

*Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида кураш бўйича IV жаҳон чемпионати зўр муваффақият билан якунланди.*

* * *

*Жаҳон иқтисодиёти ва Дипломатия университетида "Ўзбекистон ва ҳозирги замон халқаро сиёсати" мавзуидаги амалий анжуман бўлиб ўтди.*

* * *

*Президентнинг "Жисмоний шахсларнинг жами даромадини декларациялаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.*

* * *

*Японияда биринчи ўзбек таомлари ресторани очилди.*

* * *

*Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Давлат Консерваторияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.*

* * *

*Ўзбекистон Бадиий Академияси кўргазмалар залида "Навқирон Ўзбекистон" деб номланган ёш рассомлар кўргазмаси очилди.*

## ҲАЁТНИ АСРАШ ШАРТИ

2001 йил 11 сентябр куни Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида терроризмнинг ёвуз ҳамласи даҳшатли тус олди — нафақат америкаликлар, балки бутун инсоният кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёвузликка гувоҳ бўлди. Шунда терроризм муайян давлат ёки минтақага хос шунчаки ҳодиса бўлмай, балки ер юзининг исталган жойида ёвуз аждарҳо янглиғ ўлим оловини пуркаб бош кўтариш мумкин эканлигига кўпчилик гувоҳ бўлди. Бошқача айтганда, терроризм инсониятнинг душмани эканини дунёга кўз-кўз этди. Шу тариқа эзгулик ва адолат, инсон ор-номуси, шаъни ҳамда қадр-қиммати тикланган жамиятлар устидан ҳукмронлик қилишни кўзлаган терроризм XXI асрнинг энг мудҳиш офатига айланди. Ёвузликнинг бундан ортиқ кўриниши бўлмаса керак: тинч-тотув яшаётган инсонлар ҳаётига қасд қилиб, шаҳарларни култепага айлантириш, наркобизнес ва қурол-яроғ олди-сотдисини авж олдириш, бутун дунё миқёсидаги барқарорликнинг изидан чиқариш — булар терроризмнинг ёвуз муддаосидир. Терроризмнинг ёвуз қилмишларини АҚШда содир этилган фожиага қадар ҳам кузатганмиз. Мамлакатимиз раҳбари истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ, агар Афғонистонда тинч-тотув ҳаёт изга тушмаса, бу ердаги террорчи тўдаларнинг илдизи қирқилмаса, уларни моддий жиҳатдан таъминловчи раҳнамолари ер юзидан супуриб-сидириб ташланмаса, ҳарбий лагер ва иқтисодий базалари ер билан яксон қилинмаса, дунёда барқарорликни таъминлаш ҳақида гап-сўз бўлиши мумкин эмаслигини қайта-қайта таъкидлаб келарди. Бу хавф-хатар, тирикликни ларзага солувчи офат ҳеч қачон бир жойда қолиб кетмаслигини, у дунёнинг ҳар қандай жойида бўй кўрсатиш мумкин эканини ўтган йилнинг 11 сентябрида Америка фожиаси мисолида кўрдик.

Тонг пайти. Аниқроғи, саккиздан қирқ олти минут ўтаяпти. Неча асрдирки, сокин ва осуда ҳаёт кечираётган, ўз қудрат ва демократик тамойиллар тантанаси билан дунёнинг эътиборини тортган сеҳрли диёрда кутилмаганда портлаш содир бўлди. Нью-Йорк бир силкиниб тушди. Шаҳарнинг қоқ ўртасидаги умумжаҳон савдо маркази биносига "Боинг" самолёти келиб урилди. Олов босимидан деразалар чил-чил тўкилиб, одамлар бўронда учган хас сингари ташқарига отилиб кетди. Бундай мудҳиш воқеани кўриб эс-ҳушидан айрилган шаҳар аҳли, бундай гумбурлашни тасаввурига сиғдиролмаган одамлар кутилмаган тарзда ажал билан, қиёмат-қойим билан юзма-юз турарди. Хуллас, террор тинчликпарвар Америкага, унинг тимсолида бутун ер юзига қарши уруш бошлаган эди.

Тинчлик-хотиржамликка кўниккан Америка халқининг турмуш тарзи кўққисдан издан чиқди — Америка фуқаролари террорнинг қурбонига айланди. Ўша кун инсоният тарихида ёвуз кучларнинг барча тинчликпарвар одамлар ва давлатларга нисбатан қонли уруши сифатида тарихга муҳрланди.

Америка халқи биринчи фожианинг даҳшатидан ўзини ўнглаб олмай туриб, иккинчи "Боинг" яна бир бинога келиб урилди. Ўша куни нафақат Америка, балки дунёнинг барча тинчликсевар шаҳарларига террор ҳужум қилгандай бўлди. Дунё аҳли шуни англаб етдики, терроризм бутун инсониятнинг душмани, агар унга қарши бани башарият бирлашиб, якдил кураш олиб бормас экан, бу ёвуз куч тинч ва осуда ҳаётни ҳалокат жари ёқасига олиб бориб қўяди. Демак, терроризм ҳеч бир халқни, ҳеч бир давлатни аямайди.

Орадан бир йил ўтди. Шу бир йилда инсоният — XXI аср одами юз йиллик ҳаёт йўлини босиб ўтгандай бўлди. Чунки бизнинг асримизда хотиржамлик, бепарволик билан яшаб бўлмаслиги аён бўлиб қолди. Терроризм биргина давлат ёки ҳудуд билан чегараланиб қолмаслигини бугун ҳар биримиз биламиз. Кейинги бир йил ичида терроризмга қарши курашувчи соғлом кучлар бирлашди. Терроризм балосига жиддий зарба берилди. Бироқ бу террор ер юзидан тўлиқ супуриб ташланди, дегани эмас. Демак, террор ва терроризмга қарши кураш давом этаяпти.

Хориж оммавий ахборот воситаларининг ахборотларида 11 сентябр фожиасида 6.729 нафар киши ҳалок бўлганлиги таъкидланади. Бу ўринда гап шундаки, инсон ҳаёти ҳамиша азиз ва мўътабардир. Инсоннинг ҳаёт гулини сўлдиришга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ.

XXI асрда ёвузлик терроризм қиёфасида кўриниш бермоқда. Уни маҳв этиш учун одамзот қўлни қўлга бериши, бирлашиши, курашиши лозим. Бу — инсон ҳаёти ва бутун ер юзини асраб қолишнинг шартларидан бири.

**Қўчқор НОРҚОБИЛ,**
**журналист**

Ajab savdolar

## КАЛАВАНИ ЧУВАЛАТГАН КИМ?

Чуст туманидаги Олмос қишлоғида яшовчи фуқаро Икром Бобоевдан вилоят адлия бошқармасига ариза тушди. У ўз аризасида Олмос қишлоғида фаолият кўрсатаётган "Насиба" хусусий агрофирмасини ташкил этганини, агрофирмага собиқ пахта пункти, ҳозирги Олмос деҳқон бозори ҳудудидан туман ҳокимлиги ҳузуридаги туманда ерларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва ижарага бериш ҳамда олиб қўйиш масалаларини мувофиқлаштирувчи доимий ишловчи комиссиясининг 2001 йил 14 сентябр кунидаги 19-сонли баённомаси билан 10 сотих ер ажратилгани, "Олмос деҳқон бозори" очиқ турдаги акционерлик жамияти бошлиғи М. Мирзақосимов 2001 йил 14 феврал кунидаги далолатномага комиссия аъзоси сифатида имзо чекканни, бироқ ажратилган ерда қурилиш ишлари олиб борилишига тўсқинлик қилаётганини баён этган.

Аризага яна бир қанча қоғозлар илова қилинган. Улар шунчаки қоғоз эмас. Туманнинг катта-кичик раҳбарлари имзо чекишган. Имзолар муҳрлар билан тасдиқланган. Демак, қоғозлар муҳим ҳужжат ҳисобланади. Ҳужжатда қайд этилган ҳар бир жумла, ҳар бир сўз қайсидир маънода қонун талабларига асосланиб ёзилади. Шундай экан, унга бирдек амал қилишлари керак. Лекин ҳозир гап бунда эмас.

Бу ўринда гап бошқа ёқда. Очиқроқ айтадиган бўлсак, Икром Бобоев қишлоқда тадбиркорлик билан шуғулланишга астойдил бел боғлади. У аҳолининг талаб-эҳтиёжи бўйича ун тегирмони ва пахта титиш цехи қуришни мўлжаллади. Шундан сўнг у бу ҳақда туман ҳокимига алоқа хати ёзди.

Ана энди қўлимиздаги ҳужжатлар асосида фикримизни давом эттираверсак бўлаверади. И. Бобоевнинг алоқа хати юзасида туман ҳокимининг ўринбосари Р. Абдураҳмонов раҳбарлигида ишчи гуруҳ тузилди. Ишчи гуруҳ котиблигига бош меъмор М. Мирзалиев тайинланади. Ишчи гуруҳи аъзолари орасида Олмос деҳқон бозорининг бошлиғи М. Мирзақосимов ҳам бор эди. Етти масъул лавозимли шахслардан иборат ишчи гуруҳи аъзолари енг шимариб ишга киришишди. Улар 2001 йилнинг 14 феврал куни Олмос қишлоғидаги "Насиба" хусусий агрофирмасига қишлоқдаги пахта пункти ҳудудидан ун тегирмони ва пахта титиш цехи қуриш учун 01 га ўлчамда ер майдони ажратиб бериши лозим топилгани, танланган ер майдони санитария-озодалик, табиатни муҳофаза қилиш ва ёнғинга қарши кураш ҳамда қурилиш қонун ва қоидаларига тўла жавоб бериши ҳақида далолатнома тузишади ва туман ҳокими ҳузуридаги ерларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва олиб қўйиш масалаларини мувофиқлаштирувчи доимий ишловчи комиссиясидан мазкур далолатномани тасдиқлашни сўрашади.

Туман ҳокими ҳузуридаги ерларга эгалик қилиш, фойдаланиш ва олиб қўйиш масалаларини мувофиқлаштириш доимий комиссиясининг йиғилиши 2001 йилнинг 24 сентябрида ўтказилади. Йиғилиш кун тартиби Олмос қишлоғидаги "Насиба" хусусий агрофирмаси бошлиғининг туман ҳокимига ёзган алоқа хати ва ишчи гуруҳининг шу масала юзасидан 2001 йил 14 феврал кунидаги далолатномасини ўрганиб чиқиш ва қарор чиқаришдан иборат эди. Йиғилиш иштирокчилари ишчи гуруҳининг далолатномасини тасдиқлашади.

Шунга кўра, "Насиба" хусусий агрофирмасига Олмос қишлоғидаги пахта пункти ҳудудидан ун тегирмони ва пахта титиш цехи қуриш учун 01 га ўлчамда ер майдони ажратиб бериш тўғрисида қарор чиқарилиб, туман ҳокимидан уни тасдиқлаш сўралади.

Чуст туман ҳокими томонидан чиқарилган 448-сонли махсус қарорнинг 2-бандида шундай дейилган: "Олмос қишлоғидаги "Насиба" хусусий агрофирмасига Олмос қишлоғидаги собиқ пахта пункти — ҳозирги Олмос деҳқон бозори очиқ турдаги акциядорлик жамияти ҳудудидан ун тегирмони ва пахта титиш цехи қуриш учун 01 га ўлчамда ер майдони ажратиб берилсин."

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ko`magi

## АМАЛИЙ ИСБОТ

Шу йилнинг 16 апрел куни Тошкент шаҳар минтақавий стандартлаш, метрология ва сертификациялаш маркази раҳбари Э. Мирраҳимов белгиланган режа асосида марказ томонидан шаҳарда фаолият юритаётган "Анипра Импекс ЛТД" номли чет эл корхонасида стандартлар, ўлчов воситалари ва сертификатлаштириш қоидаларига қандай амал қилинаётганини текшириб чиқиш учун буйруқ чиқарди. Мазкур буйруқ асосида марказнинг биринчи тоифали муҳандиси Д. Отабеков текшириш учун асос бўлган ҳужжатларни "Анипра Импекс ЛТД" корхонасига тақдим этади. Шу куннинг ўзидаёқ корхона маъмурияти марказга икки бора ёзма равишда мурожаат этиб, корхонада давлат тилини яхши биладиган мутахассис йўқлиги учун текширишга рухсат берувчи буйруқ таржима қилиш мақсадида Ташқи Ишлар вазирлигига юборилгани ва корхонанинг бош директори Ҳиндистон давлатига хизмат сафарига кетгани сабабли текширишни икки ҳафтага кечиктиришни сўрайди. Бироқ марказ корхонанинг бу ҳаракатини текширишга қаршилик кўрсатиш деб баҳолайди ва унга рад жавобини беради. Орадан уч кун ўтгач, марказ директори Э. Мирраҳимов 19 апрелдан 1 майга қадар корхона фаолиятини таъқиқлаш ҳақидаги фармойишига имзо чекади. Ушбу фармойиш ҳеч қандай далолатнома билан расмийлаштирилмаган ҳолда Д. Отабеков томонидан ижро этилади. 29 апрел куни корхона маъмурияти марказга Бош директор хизмат сафаридан қайтганини маълум қилиб, текшириш ўтказишга рухсат сўрайди. Шундан сўнг марказ 30 апрел куни корхонада текшириш ўтказади ва корхонага маҳсулот сотиш ва хизмат кўрсатишга рухсат берилгани тўғрисида қарор чиқаради. Текширув натижаларига кўра корхонада белгиланган талабларга жавоб бермайдиган "увоқли печенье" маҳсулотини сотиш ва давлат қиёслашидан ўтмаган 8 та ўлчов воситаларини қўллаш таъқиқланади. Шунингдек, 2 нафар айбдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилади.

Кейин маълум бўлишича, "Анипра Импекс ЛТД" корхонаси ўтган вақт мобайнида ҳар куни йигирма минг сўм миқдорида моддий зарар кўрган. Шу боис "Анипра Импекс ЛТД" корхонаси Тошкент шаҳар адлия бошқармасига мурожаат этиб, марказ томонидан корхонага етказилган моддий ва маънавий зарарни ундиришга ёрдам беришни сўради. Важларни ўрганиб чиқиб, уларнинг тўғрилигини аниқлаган адлия бошқармаси корхона манфаатини кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманлараро судига даъво аризаси киритди.

Суд томонларнинг кўрсатмасини тинглаб, иш ҳужжатлари билан батафсил танишиб чиқди. Суд мазкур ишни кўриб чиқишда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга эътибор қаратди. Зеро, ушбу Қонуннинг 31-моддасида давлат идоралари ва мансабдор шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектларига ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган қонунлар, қарорлар, меъёрий ҳужжатлар билан танишиш имкониятини таъминлаши шарт экани кўрсатиб ўтилган.

Тошкент шаҳар минтақавий стандартлаш, метрология ва сертификациялаш маркази раҳбарияти ана шу қонун талабини қўпол равишда бузган. Улар "Анипра Импекс ЛТД" корхонаси раҳбариятига корхона фаолиятини текшириш учун асос бўлган ҳужжатларни таржима қилиб, танишиб чиқиши учун имкон бермаган. Шунингдек, корхона фаолияти ноқонуний равишда таъқиқлаб қўйилган. Чунки марказ томонидан корхона раҳбариятига текширишнинг режа нусхаси тақдим этилмаган ва корхона раҳбариятининг текширув ўтказишга қаршилик қилгани ҳақида далолатнома тузилмаган. Бундан ташқари, корхона маъмуриятининг бош директор хизмат сафарида бўлгани муносабати билан текширувни кечиктириш ҳақидаги мурожаати марказ томонидан ўз вақтида юқори ташкилотларга маълум қилинмаган. Ҳолбуки, қонун бўйича юқори ташкилотга мурожаат этилиши ва унга тегишли жавоб келгандан кейингина корхона фаолияти таъқиқланиши лозим эди. Марказ раҳбарияти эса бу ўринда қонунбузилишига йўл қўйган ва корхонага моддий ва маънавий зарар етказган. Суд ана шу ҳолатларни ҳисобга олиб, даъво аризасини қаноатлантирди. Марказ директори Э. Мирраҳимов ва муҳандис Д. Отабековдан "Анипра Импекс ЛТД" корхонаси фойдасига 250 минг сўмлик моддий ва маънавий зарар солидар тартибда ундириладиган бўлди. Шунингдек, жавобгарлар 50 минг сўмлик давлат божи ҳам тўлашади. Суд мажлисида иштирок этган чет эллик тадбиркорлар қонунларимизнинг адолатпарвар эканини таъкидлаган ҳолда мамлакатимизда тадбиркорлик учун кенг имконият яратилганидан мамнун эканликларини изҳор этишди. Шу тариқа қонунларнинг ҳаммага баробар экани ўзининг амалий исботини топди.

**Аброр БЕРДИЕВ,**
**Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг масъул ходими**

